



Муносабат

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ТОШКЕНТ РУҲИ



Баҳром АБДУХАЛИМОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шу кунларда жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлган шаҳарлардан бирига айланди. 19 декабрда шаҳримизнинг қоқ марказида, "Tashkent city" да дунё миқёсида коррупцияга қарши кураш тимсоли бўлган кафти очик қўл, бешта бармоқдан иборат – ҳамкорлик, пок амал ва ниятларни, коррупцияга нисбатан мутлоқ тоқат-сизликни, дунёнинг барча мамлакатларини унга қарши курашишда бирлашишга чақиришни аниқлаётган маҳобатли монумент очилди. Шу кунги Конгресс марказида Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотларни топшириш маросимига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Мамлакатимиз яна бир муҳим нуфузли тадбир – Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимига мезбонлик қилди.

2015 йилда Қатар давлати раҳбари Шайх Тамим Ол Соний томонидан таъсис этилган "Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ютуқлари учун" халқаро мукофоти коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қўшган муваффақиятли ва самарали ёндашувларни эътироф этиш ва кадрлар учун алоҳида аҳамиятга эга.

БМТ шафъелигида ташкил этилган ушбу мукофотнинг асосий мақсади – дунё бўйлаб коррупцияга қарши курашиш бўйича намунали ва илғор моделларни тарғиб қилиш ҳамда аҳолининг хабардорлигини ошириш, коррупцияга қарши курашишни қўллаб-қувватлаш ва бирдамликни оширишдан иборатдир.



Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатида ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдиддир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги режаларимизга ҳам жиддий путур етказди.

Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион АҚШ долларига яқин миқдорни ташкил қилмоқда. Аммо мен бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўриладиган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода эта олмайди, деб ҳисоблайман. Энг ёмони – жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ЮКСАК ХАЛҚАРО МУКОФОТНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИДАН



Наримон УМАРОВ,
Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

Бугуннинг гапи

Дўстликка раҳна солманг...

Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Биз билан дўстлик ришталарини боғлаб, ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиб келаётган Россия Федерациясидаги сиёсий партия – "Справедливая Россия – Патриоты – За правду"нинг ҳамраиси Захар Прилепиннинг урушни тарғиб қилишга қаратилган чиқиши қалбимизни ларзага солди.

Кайковуснинг Қобуснома асарида "АҚЛСИЗ ДЎСТ АҚЛЛИ ДУШМАНДИН ЁМОНРОҚДУР" деган нақл бор. Бу "дўст" дунёнинг кўпгина мамлакатларида нотинчлик юз бераётган, қонли можаролар авж олаётган, буни натижасида тинч аҳоли жабр кўраётган, уй-жойидан, мол-мулкидан айрилиб бошпанасиз, ҳимоясиз қолаётган айни замонда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчликка раҳна солиш ниятини билдирди.

Жаноб Прилепин, шуни яхшилаб ўқиб олинг: Ўзбекистон МУСТАҚИЛ, СУВЕРЕН ДАВЛАТ! Уни босиб олишга, унда ўз ҳукмини ўтказишга, хорижий тил ўргатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бундай сурбетлик билан эълон қилинган фикрлар на халқаро ҳуқуққа, на соғлом ақлга тўғри келмайди. Аксинча, урушни тарғиб қилиш бу жиноятдир.

Шуни ғурур билан айталикки, мамлакатимизда тинчлик-тотувлик ҳукм сураётгани, бунёдкорлик ишлари изчиллик билан давом этаётгани, иқтисодимиз юксалаётгани, спортчиларимиз забт этаётган шох-супалар, эришаётган ютуқларимизнинг барча-барчаси мамлакатимиз кудратидан далолатдир.

Бизнинг улуғ халқимиз муқаддас ҳуқуқимиз – мустақиллигимизни ҳеч кимга, ҳеч қачон бериб қўймайди! Мустақиллигимизни, суверенитетимизни, давлат чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга куч-қудратимиз ҳам, журъатимиз ҳам етарли.



Актриса Зарина Умарова:
"Мен "ADOLAT" газетасига обуна бўлдим. Сиз-чи?"

Обуна индекси — 100

Бугунги сонда:

БИРГАЛИКДА КОРРУПЦИЯСИЗ ЖАМИЯТ ҚУРАМИЗ

Ҳудудларда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида ҳудудий кенгашларнинг роли сезилмаяпти. Шу билан бирга ҳудудий кенгашларга берилган ҳуқуқ ва юклатилган вазифаларнинг ижроси деярли таъминланмасдан қолмоқда.



ҚАДРНИНГ БОЗОРИ ҚАЙДА?!

... у судда даъвогар ва жавобгар бўла олмайди. Суд мана шу ҳолатни эътиборга олиб, Жанубий кон бошқармасини жавобгарликка қаратиб тўғри иш тутган бўлиши мумкин.



ВАҚТДАН ЎЗГАН "ТУРКИСТОН"ЧИЛАР...

Бир сўз билан айтганда, бу китоб журналистикага ҳавас қўйиб, соҳага энди кириб келаётган талаба-ёшлар учун маҳоратни оширишда, журъат ва жасоратда катта ёрдам беради.



Сўнгги йилларда мамлакатимиз "Transparency International" индексида 42 поғонага кўтарилди ва бу борада минтақамизда энг юқори ўринни эгалламоқда. 2030 йилга қадар мазкур рейтингдаги ўрнимизни яна 50 поғонага яхшилаш мақсадини кўзлаганмиз.

"Open Data Inventory" рейтингда эса жорий йилда 30-ўринга кўтарилдик. Очiq маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўридан жой олган.

МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Бунда алоҳида шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар, жумладан, ёшлар томонидан қилинган самарали саъй-ҳаракатлар натижалари баҳоланади ва тақдирланади. Шунингдек, мукофот коррупцияга қарши кураш бўйича самарали ишларни амалга оширишга катта ҳисса қўшган ёки потенциалга эга бўлган ташаббусларга берилди.

Бу йилги Тошкентдаги маросим 7-мартаба ташкил этилмоқда, ушбу халқаро маросим айнан Ўзбекистонда ўтказилаётганлиги мамлакатимизнинг барча соҳаларда олиб борилаётган коррупцияга қарши курашишдаги ислохотларни хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиши сифатида баҳолаш мумкин.

Бугун коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгурди. Буни сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашнинг илғор тизimini жорий этиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Коррупциоген омилларни бартараф этишга қаратилган 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда Халқаро конвенцияларга аъзо бўлинди.

Бу борада "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун, шунингдек, бир қатор Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилиниб, "Йўл хариталари" ҳамда чора-тадбирлар режалари тасдиқланди.

Қабул қилинган қонунлар асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши ҳамда унинг ҳудудлардаги кенгашлари фаолияти йўлга қўйилиб, самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятида очиклик, ошкоралик ва шаффофлиги таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидида ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва тасирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун керакли шароитлар яратилиб келинмоқда.

Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятида очиклик, ошкоралик ва шаффофлиги таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидида ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва тасирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

Бирок бюджет маблағларидан фойдаланиш, давлат харидлари, капитал қурилиш, лицензия ва рухсатномаларни олиш, банк кредитларини ажратиш, ишга қабул қилиш каби айрим йўналишларда коррупция ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Шуни инобатга олиб, барча соҳаларда коррупциявий ҳафларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш бўйича аниқ ҳуқуқий механизм яратилди.

Халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари билан мустақам алоқалар йўлга қўйилиб, халқаро рейтингларда мамлакатимизни юқори поғоналарга кўтариш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва "яширин иқтисодиёт"ни қисқартириш чоралари қўрилмоқда ҳамда "Коррупциясиз соҳа" лойиҳалари амалга оширилмоқда.

"Е-Антикоррупция" лойиҳаси доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг ҳудудий бўлиналари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари фаолиятида коррупциявий ҳавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича мажбурий аниқлаш, баҳолаш тизими жорий қилинмоқда.

Шунингдек, коррупциявий ҳавф-хатарларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, инсон омиллини қисқартириш, айрим тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофлиги таъминлаш, бунда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва қучайтириш орқали амалга ошириш муҳим эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбари томонидан Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топишириш маросимида илгари сурилган ташаббусларни алоҳида эътироф этиш зарур.

Унга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш, давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очик маълумотлар тизimini такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустақамлашга алоҳида уруғ берилди.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашдаги минтақавий ва глобал ташаббус ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда уларда фаол қатнашиш, бу борада ўтган ойда Тошкентда ишга тушган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг Минтақавий платформасидан кенг фойдаланилди.

Шу билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотларини фаол жалб этган ҳолда ўзаро тажриба алмашиш ва мулоқотларни қучайтириш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этиш ёқаси илгари сурилди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хорижий турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлигини қучайтириш орқали унинг салоҳияти ва имкониятларини янада ошириши режалаштирилмоқда. Энг илғор халқаро тажрибага асосланган янги механизмлар татбиқ қилиниб, коррупция ҳолатлари бўйича "дастлабки ўрганиш" – коррупцион суриштирув институти жорий этиш назарда тутилмоқда.

Онига ва қалби болагилдан "ҳалоллик ваққинаси" билан эмланган янги авлодни камолга етказиш устувор вазифамиз бўлиб қолиши алоҳида қайд этилди. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этиш мақсад қилиб олинди.

Албатта, коррупцияга қарши курашишда мураккаб жараёнда энг олдинги сафларда бораётган оммавий ахборот воситаларининг ўрни эътироф этилди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумни ўтказиш таклифи билдирилди.

Ишонамизки, юртимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ортага қайтмас бўлиб, белгиланган мақсад ва вазифалар, пухта ўйланган режалар мамлакатимизнинг кейинги даврдаги тараққиёти, Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имиджини юксалтиришдан тортиб, адолатли жамият қурилишига ва халқимизнинг эркин ва фаровон турмуш даражасига эришишига хизмат қилади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ТОШКЕНТ РУҲИ

Маросимда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев, Қатар Амири шайх Тамин бин Ҳамад Ол Соний Аъло Ҳазратлари, 40 дан ошiq давлат делегациялари, БМТ ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар. Ушбу маросимда иштирок этиб, Президентимизнинг нутқини эшитиб, коррупцияга қарши кураш борасида халқаро миқёсда ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида кўнглимда тутилган ниятларни фикрлашгим келди.

Коррупцияга қарши кураш ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Коррупциянинг мавжудлиги давлатга ҳам, жамиятга ҳам, халққа ҳам, инсон ҳақ-ҳуқуқларига ҳам, умуман, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига салбий таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, коррупция бутун ишониятга, иқтисодий тараққиётга зарар келтирадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқларнинг давлат сиёсатига ишончини суайитрадиган, тинчлик, ривожланишга раҳна соладиган хатарли таҳдиддир.

Бугунги кунда дунё миқёсида коррупцияга қарши кураш ташкилотларининг берган маълумотларига кўра, ер юзиде ялпи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 5 фоиздан ошiqи коррупция мулкига айланмоқда ёки коррупциянинг халқаро миқёсдаги зарари 3 триллион АҚШ долларига тенг бўлмоқда. Коррупция туфайли ҳар йили жаҳон инвестиция фондларида 25 фоизга қадар маблағлар бой берилмоқда. Ёхуд ҳар йили халқаро миқёсда 1 триллион АҚШ долларига тенг пора олди-бердиси амалга оширилмоқда. Бу коррупция туфайли юзага келаётган моддий йўқотишлар, халос, унинг инсониятга етказётган маънавий зарарини бирор нарса билан ўлчаб бўлармикан?

Шунинг учун коррупцияга қарши кураш дунё миқёсиде энг долзарб вазифа қилиб белгиланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси ишлаб чиқилган. Бу конвенция дунёнинг асарият давлатлари томонидан ратификация қилинган. Барча мамлакатларда коррупцияга қарши кураш ташкилотлари, агентликлари ташкил этилган. Шу билан бирга Қатар Амири ташаббуси билан 2016 йилда Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро мукофот таъсис қилинган ҳам юқоридаги улғувор ишларнинг яна бир ифодасидир. Бу мукофот ҳар йили глобал миқёсда коррупцияга қарши курашга қўшган ҳиссасининг эътирофи сифатида таниқли жамоат арбоблари, экспертлар ва журналистларга дунёнинг турли мамлакатларида бериб келинади. Мукофот топириладиган мамлакатлар коррупцияга қарши курашда фаол

лигига қараб танлаб олинади. Қатар Амири ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси бу йил ана шу тадбирни Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилгани бежиз эмас.

Зеро, республикамиз айни пайтда коррупцияга қарши кураш бўйича 15 та халқаро ташкилот билан ҳамкорлик қилади ва улар билан битим тузган. Ўзбекистон 2021 йилда Халқаро Очiq маълумотлар хартиясига аъзо бўлди. Мамлакатимиз Истанбул ҳаракатлар дастури, Глобал оператив тармок, Евроосиё ва Эгмонт гуруҳлари, бошқа кўплаб платформаларда самарали иштирок этиб келмоқда. Ғарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларни қайтариш тармогининг Котибияти вазифасини бажармоқда. Тошкентда ҳар йили анънавий Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келинмоқда.

Кейинги йилларда республикамиз "Transparency international" индексида 42 поғонага кўтарилди, "Open Data Inventory" рейтингда 30-ўринни эгаллади, Очiq маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон 4-ўридан жой олди.

Булардан ташқари, республикамизда коррупцияга қарши курашиш борасида бир қатор қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинди. Улар асосида махсус ваколатли Агентлик ташкил этилди. Агентлик ҳузурида Экспертлар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди. Давлатнинг барча идораларида компания ва самарадорликни баҳолаш рейтинг тизимлари белгиланди. Давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди. Буларнинг бари мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида давлат раҳбари бошчилигида жиддий ишлар қилинаётганлигини кўрсатади.

Шу ўринда алоҳида мамуният билан таъкидлаб ўтишни истардимки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётда халқлик ҳамда ҳаётий ғоялари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловди дастурида тараққиёт қушандиси бўлган коррупцияга нисбатан изчил ва муросасиз кураш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, партияимиз аҳолининг барча қатламлари орасида, айниқса, ёшларда коррупцияга қарши муросасиз кураш маданиятини қучайтиришни муҳим деб ҳисоблайди. Биз коррупция билан курашиш нафақат давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза этиш тузилмаларининг вазифаси, балки

бутун жамиятнинг бурчи эканлигини эътироф этамиз. Партияимиз ушбу иллатни таг-томири билан йўқотиш учун курашади.

Биз жамиятда коррупцияга нисбатан мураккаб тоқатсизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва кенг оммага етказиш борасида самарали ишларни ташкил этиш тарафдоримиз.

Айни пайтда партияимиз давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчилик нормаларининг бузилишига, уларнинг нотўғри ва ўзбошимчалик билан таққин этилишига, шунингдек, тўрачилик, расмиятчилик ва коррупцияга қарши кескин кураш олиб борамиз. Коррупцияга оид ҳолатларнинг ўз вақтида олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этилишини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни йўқотиш чораларини қўриш партияимиз фаолиятининг устувор йўналишларидандир.

Албатта, коррупцияга қарши кураш бу мавсумий ёки маълум муддат амалга ошириладиган иш эмас, у доимий, жиддий равишда коррупцияга қарши кураш йўлини талаб қилади. Шунинг учун Президентимиз ўз нутқиде бундан кейин ҳам коррупцияга қарши кураш борасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ниҳоятда катта эканлигини кўрсатиб берди. Аввало, республикамизда коррупцияга қарши кураш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқилади, коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот маркази ташкил этилади, коррупция ҳолатлари бўйича "дастлабки ўрганиш" – коррупцион суриштирув институти жорий қилинади, БМТнинг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастури Ўзбекистонда кенг жорий этишга киришилади, коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш учун юртимизда Глобал медиа форум ўтказиш режалаштирилмоқда. Булар аксилкоррупция муаммолари бўйича бир мамлакат, хусусан, юртимиз доирасида амалга ошириладиган улғувор ишлар ҳисобланади. Бу ишларни амалга оширишда Тошкентда фаолият юритаётган Коррупцияга қарши курашиш конвенциясининг Минтақавий платформасидан кенг фойдаланилади.

Тошкентда юксак халқаро мукофотни топириш жараёни ҳам ўзига хос кечди. Бу маросимда нафақат бу йил тақдирланган шахслар, балки ушбу мукофотга аввал сазовор бўлганларнинг ҳаммаси иштирок этди. Бошқача айтганда, коррупцияга қарши курашувчиларнинг етуқ вакиллари бир жойда жамланди. Коррупцияга қарши курашишда аксилкоррупциячиларнинг Тошкент руҳи пайдо бўлди. Бу руҳ мамлакатимизни коррупциядан хол, шаффоф, мусатфо, демократик давлатга айлантиради.

Адолатли ҳаёт тарафдоримиз

Коррупция қандай кўринишда бўлмасин, у инсон қалбини заиф, жамиятни пароканда, давлатни инкйрозга бошловчи гирдобдир. Шу бис хам мамлакатимиз Президенти қуни кеча бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро мукофотни топириш маросимида таъкидлаганидек, "Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир". Бу эзу ҳаракат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясида кўрсатиб ўтилганидек, 20 йилдирки дунё халқларини бу жирканч иллатга қарши кураш йўлида бирдамликка чорлайди.

Орифжон ЎЛМАСОВ,
"Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Коррупция кириб борган ҳар қандай соҳа ривожланишдан тўхтади. Ҳаёт сабабларидан маълумки, таълим тизимидаги коррупция сифатсиз кадрлар етишишига, тиббиёт тизимидаги коррупция эса инсон ҳаётини саробга айлантириб, ҳаётий фожеаларга замин яратади.

Бир ўйлаб кўрайлик, коррупцияга қарши курашиш, энг аввало, оиладан бошлашимиз зарур эмасми? "Ҳа-поллик ваққинаси" билан эмланиш бола катта бўлганда эмас, мурғаклигидан онгу шурига синдиришимиз зарур. Фарзандимизнинг яхши боғчага бориши учун кимгадир 400-500 доллар берамиз, зўр мактабда ўқиши керак, деб яна топган-тутганимизни мактаб директорларига ўртадаги "даллоп"ларга тутқазамиз. Олий таълимга ўқишга кирган боламизнинг баҳолари "5" бўлиши учун яна валломатлик қиламиз, ишга кираётганда ҳам миққоллаб пул йиғиб, даромадлуроқ ишга жойлашга интиламиз. Бу занжирлар ортида ўзимиз фарзандларимизнинг яхши ўқиши, ўз келажига учун астойдил интилиши, меҳнат қилиши зарурлигини уқдириш ўрнига ҳамма нарсани пул ҳал қилади, қаловини топсанг қор ҳам ёғди, деган кўр-кўрона ғоялар остида "меҳрибон"лик билан маънавий қашшоқ қилиб қўймаётимизми? Пул бўлса чангалда шўрва деб, пулнинг кетидан қувиб, боши деворга урилган ўғил-қизларимизнинг ач-чиқ қисмати ортида ана шу валломатлик-гимиз этгани йўқми? Тиббиёт тизимидаги сифатсиз дори-дармонлар савдоси,



сифатсиз қурилишлар ортидаги халқнинг сарсонгарчиликлари, банклардаги кредит билан боғлиқ таъмағирликлар, иқтисодий муаммолар ва таназзулларнинг туб замани ана шу коррупция, деган иллат билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Халқаро миқёсдаги бу нуфузли тадбир, ишончимиз қомилки, халқимизнинг Президентимизнинг нуфузли анжумандаги сўзларини "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши жомаоиси чуқур ўрганиб, ўз олдига аниқ вазифаларни белгилаб олди. Бу эзу мақсадларининг мазмун-моҳиятини биз жомаоларда, маҳалларда, халқ билан юзма-юз мулоқотларда ватандошларимизга етказамиз. Коррупциясиз ҳаёт — Янги Ўзбекистонда янги мақсадлар билан яшаётган халқимиз ҳаётини бузуниданда фаровон бўлишига, давлатимизнинг эса дунё эътирофидеги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилишига ишонамиз.

Ҳар қандай жамият тараққиётида коррупцияга қарши курашиш муҳим аҳамиятга эга. Биз сиз ривожланишга эришиб бўлмайдим.

СОҒЛОМ ЖАМИЯТ барпо этайлик



Илҳомжон АБДУЛАЗИЗОВ,
халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгаши депутати

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 27 ноябрдаги «Коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизimini самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада яна бир қадам бўлди.

Оғриқли бўлсада айтиш лозим, аслида ҳаммасига ўзимиз йўл очиб берамиз. Фарзандимиз мактабда етарли билим олмас ҳам олийгоҳга ўқишга киришини истаймиз. Жиянимиз тайинли бир касб эгаси бўлмасида обрўли идорда ишлашни хоҳлаймиз. Банкдан кредит олиш учун белгиланган тартибни четлаб тезроқ ишимизни битиришга ҳаракат қиламиз. Ҳаммаси ўз-ўзидан бизни коррупция сари бошлайди. Ҳатто кўпни кўрган айрим танишларимиз "қаловини топсанг бўлди, олмайдиган борми ҳозирги замонда", дея нотўғри йўлга бошлайди бизни.

Яшириб нима қилдик, коррупцион ҳолатлар барча даврларда, турли даражада мавжуд бўлган. Унга қарши курашиш давом этган. Бироқ бугун бу иллатга қарши курашиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, барчамиз биргаликда, жамоатчилик жам бўлган ҳолда курашиш талаб этиляпти. Бу Президентимизнинг юқоридеги фармонида ҳам ўз ифодасини топагани бежиз эмас.

Эндиликда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш янада долзарб аҳамият касб этади. Бу ҳаракатдан сиз ҳам четда турманг. Зеро, соғлом жамиятни барпо этиш сизу бизга боғлиқ.



✓ Сарҳисоб

БПТ фаолияти ижобий баҳоланди

Яна бир йил якунига етмоқда. Сиёсий воқеликларга бой бўлган 2023 йил ҳаётимизда қандай из қолдиришти? Режалар бажарилдими, олдинда қандай вазифалар турибди?

“Адолат” СДПнинг Андижон давлат тиббиёт институтидаги бошланғич партия ташкилотининг сарҳисоб йиғилиши олдида айни шу саволлар қўйилди. Унда БПТ аъзолари билан бирга вилоят партия кенгаши фаоллари, маҳаллий кенгаши депутатлари ва ҳамкор ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

1060 нафар партия аъзоларини бирлаштирган мазкур БПТ фао-

лиятда партия лойиҳалари кенг ўрин эгаллагани эътиборли. Жум-

ладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини ошириш сафимиздаги шифокор ва бўлғуси тиббиётчиларнинг доимий ишига айланган. 2023 йил давомида аҳоли орасида 16 мартаба тиббий кўрик ташкил этилгани, 400 нафардан ортиқ фуқаролар соғломлаштиришга эришилгани қувонарли. Кекса ёшдаги ва яқка ёлғиз яшовчи юртдошларимиз ҳаммиса “адолатчи” – тиббиётчилар назоратида. Уларни соғломлаштириш баробарида икти-

мой химоялаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу борада Андижон шаҳридаги “Бирлашган”, “Бобосаддин” ва “Тахтақўприк” МФЙларида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу сабаб ушбу ҳудудларда хайрихоҳларимиз сони ортди.

– Партия аъзолари орасида ташаббускор ёшлар кўпчилиكنи ташкил этади, – деди Андижон давлат тиббиёт институти психологи, партия фаоли Уткирбек Арзиқулов. – Жумладан, “Ёш адолатчилар”дан иборат волонтерлар доимий аҳоли орасида. Давлатимизнинг буғунги сиёсати, партияимизнинг мақсад ва гоёларини жамоатчиликка етказишга қаратилган тадбирлар ижобий самара бермоқда.

Тадбир давомида энг фаол БПТ аъзолари алоҳида эътироф этилди. Улар вилоят партия кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов томонидан тақдирланди.

Андижон вилояти кенгаши матбуот хизмати



✓ Танлов

ЁШЛАР — юрт келажаци

“Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хоржий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Мақтабгача ва мактаб таълими тизимиса бошқарувининг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида “Сехрли мия” кўрик-танлови ўтказилди.

Унда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, партия вилоят кенгаши раҳбарияти, ОАВ ходимлари, Навоий вилоятининг барча туман ва шаҳарларидан ташқари қўшни Самарқанд вилоятининг Қўшработ, Иштихон ҳамда Каттақўрғон туманларидаги умумтаълим, ихтисослашган ва нодавлат-таълим муассасаларида таҳсил олаётган 250 нафар ўқувчи иштирок этди. Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг хоржий тиллар, математика ва ментал арифметика фанлари бўйича билимларини синовдан ўтказиш, ўқувчиларнинг илм олишга бўлган қизиқишини янада ошириш ҳамда уларни рағбатлантиришдан иборат.

“Сехрли мия” кўрик-танловида ўқувчилар ёш тоифасига кўра гуруҳларга бўлинган ҳолда инглиз тили, ментал арифметика ва математика фанларидан тайёрланган тест саволлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов иштирокчилари партия фаоллари ва депутатлари ҳамда соҳа экспертларидан иборат ҳакамлар хайъати томонидан баҳолаб борилди. Натижаларга кўра, вилоятнинг Навоий шаҳри ва Нурота туманлари, Самарқанд вилоятининг Қўшработ ҳамда Каттақўрғон туманларидан келган иқтидорли ўқувчилар юқори ўринларни кўлга киритиб, партиянинг кубок, медаль, диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

– Ҳар йили турли ташкилот ҳамда ўқув марказлари томонидан ташкил этиладиган ўнлаб танловларда иштирок этиб келамиз. Бироқ бу галги танлов кириб келмаётган янги 2024 йил арафасида, шунга монанд ҳолда Қорбобо ва Қорқиз иштирокида байрамона руҳда бўлиб ўтди. Аҳамиятисиз, ушбу танловни ташкил этишда муносиб иштирок этган ҳар бир устоз ва мураббийлар ҳамда иштирокчи ўқувчилар муносиб рағбатлантирилди. Ёшлар юртимиз келажацининг эгаларидир. Уларни ҳақиқий кучга айлантиришнинг ягона йўли илмдир. Бунга, қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъи назар, ҳар биримиз



масъулмиз, – деди Навоий вилояти “Magistr” ўқув маркази ўқитувчиси Райҳон Ҳамдамова.

Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати



Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови аралаш сайлов тизими асосида ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган қонун (ЎРҚ–883, 18.12.2023 й.) билан бир қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди

Жумладан, Сайлов кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра:

- ✓ Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 75 та ҳудудий бир мандатли сайлов округи тузилади;
- ✓ Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади;
- ✓ Партия рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин, ушбу рўйхатга киритилганлар депутатликка номзод мақомини олади ва уларга гувоҳнома берилади;
- ✓ Партия рўйхатига киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас;
- ✓ депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланади;

✓ аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар 5 нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

✓ Шунингдек, ягона сайлов округи бўйича сайланадиган Қонунчилик палатасининг депутатлик ўринлари ушбу сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг 7 ва ундан кўпроқ фоизини тўплаган сиёсий партиялар ўртасида тақсимланади.

✓ Агар сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг 7 ва ундан кўпроқ фоизини фақат битта сиёсий партия тўплаган бўлса, унда депутатлик ўринлари сайловда сайловчиларнинг энг кўп овозини тўплаган иккинчи сиёсий партияга ҳам тақсимланади.

✓ Марказий сайлов комиссияси депутатлик мандатларини сиёсий партиялар ўртасида тақсимлаш тўғрисида баённома тузади.

✓ Партия рўйхати бўйича сайланган депутатлар ўртасида депутатлик мандатларини тақсимлаш Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган партия рўйхатига киритилган депутатликка номзодлар кетма-кетлигига мувофиқ амалга оширилади.

✓ Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра, Қонунчилик палатасининг камида 5 нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга (илгари камида 9 нафар эди).

Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бандлик долзарб масала

“Адолат” СДП Шаҳрисабз шаҳар кенгаши томонидан “Шаҳрисабз” МФЙ тадбиргоҳида “Бизнинг бош мақсадимиз – аҳоли бандлиги” мавзусида учрашув ташкил этилди. Унда партия фаоллари, депутатлар, мутасадди идоралар раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Достон НУСУРОВ, Қашқадарё вилоят кенгаши “Ёш адолатчилар” қаноти етакчиси

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг, барпо этилаётган Янги Ўзбекистоннинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилганлиги учрашувда алоҳида қайд этиб ўтилди.

– Аҳоли бандлиги масаласи доимий диққат марказимизда бўлиб келмоқда, – деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Диррабо Темирова. – Биз депутатлар партиянинг туман кенгаши билан ҳамкорликда фуқаролар билан учрашиб, уларни қийнаб келмаётган муаммоларни бартараф етаямиз. Жумладан, қисқа фурсатда шу маҳалла ҳудудидаги 15 нафар ишсиз ёшларни янгидан иш фаолиятини бошлаган тадбиркорлик шаҳобчаларига ишга жойлаштирдик. Уйда ўтирган 31 нафар хотин-қизлар касаначилик ишларига жалб этилди. Қарийб 42 нафар ишсиз фуқаролар мавсумий ишларга йўналтирилди.

Шунингдек, тадбирда қонун билан ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шaroитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш борасида ҳам амалга оширилаётган ишлар ҳусусида фикр юритилди. Халқ депутатлари Шаҳрисабз шаҳар Кенгаши депутати Самариддин Зайниддинов ташаббуси билан 20 нафардан зиёд ёшлар ва хотин-қизлар мономарказларда ўқитилиб, ишли бўлди. Партия фаоллари томонидан ишсиз шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш, ишсизларга нафақа тайинлаш ва тулаш бўйича ҳам тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар ташкил этилапти.

Учрашувда ҳозирги кунда ўта долзарб бўлиб турган бандлик соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга ҳамда шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини оширишга эътибор янада кучайтирилиши юзасидан тақлиф ва тавсиялар ҳам берилди.

Депутат минбари

Маълумки, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигига давлат органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш орқали эришилади. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган.



Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

БИРГАЛИКДА КОРРУПЦИЯСИЗ ЖАМИЯТ ҚУРАМИЗ

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб, унда агентлик ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани киритиш тартиби ўрнатилди.

Ўтган даврда коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назоратини амалга ошириш йўналишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг масъул қўмитаси томонидан 10 дан ортқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилиб, қабул қилинди.

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари раҳбариятининг солиқ идоралари тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосарининг ҳисоботлари эшитилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари кўша мажлисидаги нутқида сўнгги беш йилда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганлигини, бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чеклаб қолмасдан, тизимли превентив чораларни қўйиш зарурлиги, коррупция балосига қарши фақат давлат эмас, балки бутун жамият қарши курашиши кераклигини алоҳида қайд этиб ўтганди.

Жорий йилда умумхалқ овози – референдум йўли билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция-мизда ҳам коррупция иллатига қарши курашишда парламентнинг роли яна бир бор мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, халқ вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маъруза муҳокама қилинади ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган тақдирлар ишлаб чиқилади.

Миллий маърузанинг мақсади Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ушбу йўналишда ил давомида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат.

Бу йилги миллий маъруза Агентлик томонидан парламентга тақдим

этилган иккинчи маъруза бўлиб, ўтган йилгидан фарқи равишда коррупцияга қарши курашиш борасидаги амалий ишлар, ишловларнинг ҳудудлардаги ижроси, эксперимент тариқасида бошланган лойиҳалар натижаси ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги замонавий механизмлар, яъни коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш, давлат органларининг очиқлик индекси каби бир қатор масалалар бўйича батафсил маълумотлар акс эттирилди.

Хусусан, миллий маърузада вазирлик ва идоралар функцияларининг оптималлаштирилиши натижасида хусусий секторга ўтказилаётган давлат функциялари камида 3 баробарга кўпайтирилаётганлиги, давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш, очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилганлиги, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича «E-Antikorrupsiya» лойиҳаси ишга туширилганлиги, давлат хизматлари кўрсатиш сифати яхшиланиб, ортқча тартиб-таомиллар қисқартирилганлиги ҳамда электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари сони оширилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Қайд этиш керакки, коррупция муаммоси одамлар орасида энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Бу иллат жамиятимизда бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолган эмас. Аввало, сўнгги йилларда мамлакат раҳбариятининг очиқлик сиёсати туфайли ҳақиқатан шундай муаммо мавжудлиги тан олинди, унга қарши кураш бошланди. Қолаверса, оммавий ахборот воситаларидаги очиқликдан сўнг коррупцияга оид материаллар ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокама қилина бошланди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буни давлатимиз раҳбарининг ҳар йилги мурожаатномасида коррупцияга қарши курашиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтаётганлиги, ушбу соҳада қўллаб қўнгун ҳужжатларининг қабул қилинаётганлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг изчиллигини таъминлаш мақсадида 2017 йилдан бошлаб коррупцияга қарши курашиш

соҳасида Давлат дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, 2021 йилда қабул қилинган “2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури” ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони ва 4 та қарори, 1 та қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори ҳамда 5 та идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Агентлик томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасини такомиллаштириш, ҳуқуқий бўлиқларни бартараф этиш мақсадида соҳага тааллуқли жами 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларнинг 13 таси қабул қилинди. Шунингдек, бошқа соҳалардаги ишловлар натижасида коррупцияга қарши курашишга қаратилган 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, ОАВда эълон қилинган маълумотлар ҳамда давлат харидларини амалга оширишда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ҳудудлар ва соҳалар кесимида 60 га яқин ўрганишлар ўтказилди. Урганишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан вазирлик ва идораларга 197 та тақдирнома, жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 174 та сўровнома юборилди. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларига зид равишда чиқарилган 13 та қарори бекор қилинди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан умумий 32 та жиноят иши ва 70 та маъмурий иш кўзга тилиди, 20 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Миллий маърузада коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тафсилотлари билан бирга акс этган. Маърузада келтирилган маълумотларни эътироф этиш билан бирга бу борада қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, коррупцияга қарши курашгандан, унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш самараларига таъсирга эга. Миллий маърузада бугунги кунда мамлакатимизда коррупциоген омили келиб чиқиши

сабабларига, яъни таҳлилий маълумотларга эътибор қаратилиши лозим.

Иккинчидан, жамоатчилик, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг барча шаклларида фойдаланиш имкониятини яратиш ҳамда янада кенгайтириш борасида амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак.

Учинчидан, коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларининг ҳудудларда сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари фаолияти йўлга қўйилган. Бироқ ҳудудларда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида ҳудудий кенгашларнинг роли сезилмаяпти. Шу билан бирга ҳудудий кенгашларга берилган ҳуқуқ ва юклатилган вазифаларнинг ижроси деярли таъминланмасдан қолмоқда.

Шу сабабли келгусида ҳудудий кенгашлар фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича Агентлик тегишли ишларни ташкил этиши зарур.

Тўртинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш Агентлигининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилашган. Бироқ бугунги кунда айрим соҳалар фаолиятини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга шариот яратувчи нормалар ҳанузгача сақланиб қолётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизасида ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилини бартараф этиш бўйича «йўл хариталари» ижроси ўз вақтида таъминланмасдан қолмоқда.

Агентлик томонидан мазкур масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим. Ана шунда биз ўз олдимизга қўйган олий мақсад – коррупциясиз жамиятни қурашимиз.

Муносабат

ЙИЛИГА Ю МИНГ ДОНА ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Махфират ХУШВАҚТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Бугун кундалик турмушимизни автомобилларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Автомобиллар бир манзилдан иккинчи манзилга ҳаракатланишимизда, маҳсулотларимизни етказиб беришда, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган қулай транспорт воситаси саналади.

Аммо сўнгги йилларда шаҳар ва қишлоқлар қиёфасида рўй бераётган ўзгаришлар барча соҳаларда бўлган каби ушбу соҳада ҳам кечиктириб бўлмас ишловларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу боис, охириги йилларда автомобиллар ҳаракатланишида хавфсизлигини таъминлаш, экологияга бўлган зарарни камайтириш, йўл инфратузилмаси, жамоат транспорти, электромобиллар харидини ошириш каби йўналишларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ишловлар натижасида саноат тармоқлари изчил модернизация қилиниб, логистикадаги қийинчиликларга қарамасдан, сўнгги йилларда автомобиль ишлаб чиқариш 3 баробар кўпайиб, жорий йил якунида 415 миң донга етиши кутилмоқда. Соҳада давлат монополиясини йўқ қилиш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида 3 та янги хусусий корхона ва нуфузли хорижий брендлар жалб этилди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам автомобилсозлик соҳасида рақобат муҳитини яратиш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг 1 миллион донга етказиш, шаҳар ва туманларни жамоат транспорти билан тўлиқ қамраб олиш, янги автобуслар сонини 5 миңга тага ва электробуслар сонини 2 миңга тага етказиш мақсад қилинган.

Бугун юртимиздаги 8 та заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, юк ва йўловчи ташиш транспортлари, қишлоқ хўжалиги ва махсус техникалар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, соҳада 2 миңдан зиёд корхона яхлит кооперация тармоғига боғланган ва 50 фоиз маҳаллийлаштириш таъминланган.

Албатта, соҳа ривожини аниқ ҳисоб-китоблар ва режаларни талаб қиладди. Сабаби, автомобилсозлик саноати ривожланган давлатлар иқтисодийнинг салмоқли қисминини ташкил этади. Шу боис, келгусида ҳам ички, ҳам ташқи бозорда автозаводлар ўртасида рақобат қила оладиган электромобиллар ишлаб чиқариш муҳим саналади.

Жорий йил 14 декабрь кунини давлатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган йиғилишда эришилган натижалар таҳлил қилиниб, 2024 йилда амалга оширилаётган вазибалар белгилаб олинди. Президентимиз мамлакатимиз саноатчилари ҳам тезроқ бу йўналишда етакчи давлатлар тажрибасини ўзлаштириб, замон талабига мослашмаса, келгусида бозорда ўрин толиши янада қийин бўлишини таъкидлаб, “Ўзавтосаноат”ни трансформация қилишни жадаллаштириш, харажатларни камайтириш лозимлигига тўхталиб ўтди. Шунингдек, келгуси йилда мамлакатимизда электромобиль заводи ишга туширилиб, йилга 10 миң донга электромобиль ишлаб чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бугун мамлакатимиз автосаноатида нафақат енгил автомобиллар ишлаб чиқариш, шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги, юк ташиш ва жамоат транспортига мослашган турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқариш тармоғи ҳам жадал ривожланиб бормоқда.

Биргина қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида бу йил 3 миң 500 дондан ортқ техника ишлаб чиқарилди. 2030 йилгача бу миқдорни йилга 16 миң донга етказиш мўлжалланмоқда. Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери йилга 15 миң донга трактор, тиркама ва бошқа техникалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу эса бугун фақатгина деҳқончиликнинг пахта ва ғалла этиштириши билан чекламасдан, кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиб бераётган деҳқонларимиз иш фаолиятида юқори самара ва унумдорликка эришиш имконини беради.

Энг муҳими, ҳар бир янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳаётимизга татбиқ этилиши натижасида миңглаб янги иш ўринлари яратилади.

Жиноятга жазо муқаррар

БОШИ БЕРК КЎЧА

Хусанбой ПАРПИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яккасарой туман судининг судьяси



Яккасарой тумани ИИО ФМБ ЖКБ ходимлари томонидан кучли таъсир қилувчи моддаларни сотиш билан шуғуланувчи шахсларни аниқлаш бўйича тезкор тадбир ўтказилган вақтда Шота Руставели кўчасида кетаётган Я.К.нинг ҳаракати шубҳали кўринадди. Шунинг учун у шахсини аниқлаш мақсадида тўхтатилади. Я.К. холислар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказилганда эғнидаги кийимни чўнтағида қора рангдаги пакетда 20 донга “Тропикамид” ва 76 донга “Регепен” дори воситалари борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинади.

Судга оид кимёвий экспертизанинг хулосасига кўра, Я.К.дан олинган дорилар кучли таъсир қилувчи моддалар таркибига киради.

– МЧЖ ташкил қилиб, Шота Руставели кўчасидаги дорихонани ижарага олиб, иш бошлади, – деди судланувчи суддаги кўрсатмасида. – Шергим билан фойдаланиб тенг тақсимлашга келишдик. Ишимиз яхши эди. Бир кун дам олиш мақсадида “Тропикамид” ҳамда “Регепен” дориларини истеъмол қилишга қизиқиб қолдим. Шу мақсадда “Шухрат”га бориб, сотиб олдим. Ичиб қўргандим, ёқиб қолди. Ўрганиб қўлиб, ҳар кун 1-2 таблетка ичардим. “Шухрат”даги нотаниш одамлардан ўша хилдаги дориларни сотиб олиб, дорихонадаги шакафга яшириб қўйдим. Бу дорилар қонунга хилоф эканлигини билгач, йўқ қилмоқчи эдим. Аммо ундай бўлмади. Ички ишлар ходимлари мени ушлаб текширишганида

ёнимдан “Тропикамид” ва “Регепен” чиқди. Ҳозирда пушаймонман. Айбимга иқромман. Оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришингизни сўрайман.

Суд давлат айбловчининг хулосасини, ҳимоячининг маърузасини тинглаб ҳамда жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқди. Шунингдек, судланувчининг айбига тўлиқ иқролик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳ кўрсатмаси ва бошқа далиллар билан унинг айбини исботланган, деб топди. Я.К. етти йил муддатга озоқликдан маҳрум этилди.

У тайинланган жазонинг умумий тартибли колонияда ўтамоқда. Унинг тақдири бошқалар учун ҳам хулоса ва сабоқ чиқариш учун етарлидир, деб ўйлаймиз.

Журналист суриштируви



ҚАДРНИНГ БОЗОРИ ҚАЙДА?!

Энг ачинар-лиси, мен ҳуқуқимни тиклашда ёрдам су-

раб мурожаат қилган барча идораларда махсус кўриқланадиган шахтага бегона шахслар у ёқда турсин, ҳаттоки, чивин ҳам учиб кира олмаслигини билиб туриб, бу ҳақиқатдан кўз юмишмоқда...

Самарқанд вилоятининг Кўшработ туманида яшовчи кончи, аниқроғи, лаҳмчи Анвар Бердихолов, қарийб беш йилдирик, яъни 2019 йил 30 апрель куни ғайриқонуний тарзда МКнинг 100-моддаси, 2-қисмининг 4-бандига асосан ишдан бўшатилгандан бери ноҳуш кайфият огушида азият чекапти.

Норбобо ШАКАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

– 2011 йил декабрь ойида Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли Жанубий кон бошқармасининг “Зармитан” конига лаҳмчи бўлиб ишга кирдим ва етти йилдан кўпроқ вақт мобайнида виждонан меҳнат қилдим. Иш фаолиятим даврида ҳеч қандай интизомий жазо ёки бошқа таъсир чоралари олмаганман, – дейди у суҳбат чоғи. – Биласиз, лаҳмчилик дунёдаги энг хатарли касблардан бири. Ана шундай ҳафвли жойда ҳалол ишладим. Лекин...

Келинг, энди ана шу “лекин”га кенгроқ тўхталайлик. 2019 йилнинг 12 апрелида Анвар Бердихолов шериги билан иш топшириқномадини олиб, соат 16-00 да 780-горизонтдаги забойга (иш жойига) боради ва топшириқномада белгиланган 14 та шпурни барвақт бурғулаб бўлади, сўнгра иш жойини тартибга келтириб, асбоб-ускуналарни кейинги сменадошларга қолдириш учун тайёрлашга киришади.

– Шу пайт вентилляция тизими яхши ишламаётганидан тоза ҳаво етишмаётганини ҳис этиб, кўз олдим жимирлашиб, қоронғилик кетганини сездим ва бу ердан тезроқ узоқлашшим, ҳаво алмашинуви яхшироқ жойга етиб олиш зарур деган қарорга келдим, – дея сўзини давом эттирди у. – Шеригим олдинроқ, мен эса кейинроқ йўлга тушдик. Ер юзасига чиқилганидан кейин (лифт)га қадр бўлган масофа тахминан 1000-1200 метр эди. Ҳамроҳим илдамроқ юриб, мендан узоқлашиб кетди. Ордан 5-10 минут ўтгач, мен ҳолсизланиб, ўтирдимми-йўқлигимни эслаб олмайман, ҳушдан кетибман. Чамаси 2-2,5 соат беҳуш ётганимдан сўнг ўзимга келиб, соат 23:40 лар атрофида бир амаллаб лифддан кўтарилиб, уйга кайтдим. Иш вақти 22-36 да тугаб, ўрнида аллақачон сменадошларим иш бошлаган эди. Бирок бир соатдан кўпроқ вақт мобайнида менинг қайтмаганимдан ҳеч ким хавотирга тушмаганидан бироз тезроқ кўтарилиб, негаки, ер остида ишловчи ходим 5 дақиқа кечикса, тревога кўтарилиши, кўтқарув омадаси янграши лозим эди.

Бу воқеа оқдатдагидек ими-жонимда ўтиб кетди, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолиши мумкин эди. Бирок мен кон бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Хуршид Норматовга қондаги ноқулай иш шароити туфайли ўлиб кетишимга бир баҳа қолгани ва бундан ҳеч ким заррача хавотирга тушмаганини айтиб, балаго қолдим. Дарҳол мендан кутулиш чорасини қилдира бошладилар. Кўп ўтмай бошлиқ столида мен ишлаган перфератор мендан кейин ишлайдиган лаҳмчилар кўлида эмас, шах-

таларда санғиб юрувчи аллақандай шубҳали кимсалар кўлидан олингани тўғрисида кўриқлаш хизмати бошлиғининг билдиргиси пайдо бўлди. Шундан сўнг бошлиғимиз менга босим ўтказиб, иш жойида ухлаб қолдим, деб ёзасан, акс ҳолда жавобгарликка тортамиз, деб туриб олди. Босим ва турли пўписалар остида шундай, деб ёзишга мажбур бўлдим. Минг афсуски, бунинг оқибати қандай бўлишидан мутлақо беҳабар эдим.

Ҳа, ўйнашмагин арбоб билан – арбоб урар ҳар боб билан, деб бежиз айтилмаган. Кон раҳбарияти топшириғига кўра, корхона ҳуқуқшуноси ва кўриқлаш хизмати, махсус ички ишлар ходимлари 18 кун ишлаб, бетгачопар лаҳмчи А. Бердихоловни ишдан бўшатилиш “сценариясини” ёзадилар ва 2019 йил 30 апрелда 85-шт-сонли қарор билан ишдан ҳайдайдилар. А.Бердихолов ушбу ғайриқонуний буйруқдан норози бўлиб, уни бекор қилиш, ишга тиклаш юзасидан Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига даъво аризаси киритади. Унинг суддан умиди катта, адолат қарор топади, деб ўйлаган эди. Чунки ходимни МКнинг 100-моддаси билан ишдан бўшатилиш биргина иш берувчининг хоҳиш-истағи билан рўёбга чиқмайди. Ходимга кўйилган айблар: а) иш жойида меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида иш вақтида ухлаш; б) ходимнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдоридан кўпроқ миқдорда иш берувчига зарар етказишига олиб келувчи ёки режа-топшириқ бажарилишининг тўхташига олиб келувчи ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги мутлақо ноўрин эди. Зеро, унинг иш жойида ухлаб ётганини далилловчи бирор ҳужжат, дололатнома, смена устаси ёки участка бошлиғи ёки ҳамкасблар кўрсатмаси, фотосурат ёки видеоёзув мавжуд эмас. Иш жойида ухлаш ҳолати фақат ўзининг кўрсатмасида, маъмурият тазйиқи остида ёзилган тушунтириш хатида мавжуд, холос. Қонунчиликда шахснинг ўзига қарши кўрсатмаси инobatга олинмаслиги белгиланган. Бунга на маъмурият ҳуқуқшуноси, на махсус милиция ходимлари, на фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди эътибор берди. Бундан ташқари, шахта – забойда ухлаш ақлга сифмайдиган ҳаракат эканлигини мутасаддилар ўйлаб ҳам кўришмаган.

– Забойда ухлаш у ёқда турсин, мудраб кетсанг бас – тубсиз жарликка кулаб тушсан ёки бошинг узра осилиб турган харсангтошлар остида мажақланиб, наргиш дунёга равона бўласан, – дейди Анварга устозлик қилган кончилардан бири, йигирма йилдан буён

лаҳмчи бўлиб ишлаётган Суннат Алиқулов. – Мен шунча йил шахтада ишлаб бирор кишининг забойда ухлаб қолганини кўрганам ҳам, эшитганим ҳам йўқ...

Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди ва унинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш қолдирган апелляция инстанцияси суди ишга шу қадр юзаси ёндашганки, ҳатто жавобгарни тўғри белгилашга эътибор қаратмаган. Масалан, 2019 йил 30 апрелда 85-шт-сонли буйруқ билан ходимни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатган корхона “Зармитан” кони жавобгар ҳисобланади. Бирок суд жавобгарликка уни жалб этмасдан, унинг юқори турувчи субъекти Жанубий кон бошқармасини жавобгарликка қаратди. Аслида, бу тўғри ва қонуний йўл. Чунки “Зармитан” кони юқоридаги бошқарманинг битта ишлаб чиқариш бўлинимаси, холос. Унинг мустақил баланси ва сметаси мавжуд эмас, бинобарин, у мустақил юридик шахс мақомига эга эмас. Демак, у судда даъвогар ва жавобгар бўла олмайди. Суд мана шу ҳолатни эътиборга олиб, Жанубий кон бошқармасини жавобгарликка қаратиб тўғри иш тутган бўлиши мумкин.

Масалага шу нуқтага назардан қаралса, муаммонинг моҳияти тубдан ўзгариб кетиши аниқ. Аввало, судлар олдида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинича бошлиғида ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатилиш ваколати борми, деган саволга ойдинлик киритиш зарурати кўндаланг бўлади. Бу эса, ўз навбатида, МКнинг 101- ва 102-моддалари талабларига риоя этилмаганидан, лаҳмчи Анвар Бердихолов 85-шт-сонли буйруқ асосида ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилганидан дарак беради. Афсуски, бу ҳолатлар суд эътиборидан четда қолиб, мантиқсиз далилларни дастақлаган. Мисол учун, гўё айбдор ходим иш жойида ухлаб қолиб, иш қуроллари ўғирланишини олайлик. Лаҳмчи зиммасида иш қуролларини кўриқлаш вази-фаси йўқ. Конда бунинг учун махсус кўриқлаш хизмати борки, унда бир неча ўзи киши ишлайди. Корхонага тегишли ерошти ва ерушти техника воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқа қимматлиқларни кўриқлаш, талон-торож қилинишининг олдини олиш, энг асосийси, шахтага бегона шахсларнинг киришига йўл қўймаслик уларнинг зиммасига юкланган. Шахта пахта даласи эмас, ер остига фақат махсус кўриқланадиган жойдан кириб-чиқилади. Шундай экан, иш жойида турган перфераторнинг ўғирланишига лаҳмчи эмас, гараз ниятли бегона шахсларни шахтага киритиб юборган, хизмат вази-фасини виждонсизларча бажарган кўриқлаш хизмати ходимлари жавоб беришса адолатли бўлар эди.

Маъмурият томонидан унга кўйилган ва суд томонидан таҳлил этилмаган иккинчи айб – конга тегишли бўлган бурғулаш асбоблари шахтага ноқонуний қирган бегона шахслар кўлига тушганлиги нати-

жаҳдан қиладиган йигитнинг ноҳақлик, адолатсизлик ортидан чекаётган истижобларини тасвирлашга, рости, оғирман. Тўғри, Анвар Бердихолов юқорида баён этилган ҳақсизлик туфайли ишсиз қолгани йўқ: “Майн контрактшн альянс” чек компаниясига ёлланиб, лаҳмчилик қилмоқда. Шуниси қизиқки, бу компания “Зармитан” кони буюртмаларини бажариб, энг мураккаб, энг қийин шахталар қурилишини амалга оширади. Жорий йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб чуқурлиги 1000 метрлик шахтани фойдаланишга топширди. Бу мураккаб ишни чет элликлар эмас, уларга ёлланган ўзимизнинг маҳаллий мутахассислар – Анвар ва унинг дўстлари бажаришмоқда.

– Ўз юртинг, айниқса, ўз уйида ажабийларга ёлланиб ишлаш галати туюлар экан, – дейди у мен билан хайрлашар экан, – Бу ерда яхшигина маош оламан. Айтмоқчи бўлганим, қорнимга эмас, қадримга йиғлаб юрибман, мухбир ака...

жаҳсида кейинги уч сменада иш қуроллари йўқлиги сабабли режа-топшириқлар бажарилмаган эмиш.

– Бу ғирт ёлгон, сафсата, қонунчилик билан мустақкамланмаган далил, – дейди Анвар Бердихолов. – Конда ўша пайти 427 лаҳмчи ишлаган ва уларнинг кўлида шунча миқдорда бурғулаш ускуналари бор эди. Иш жараёнида ҳар сменада ўнлаб перфераторлар ишдан чиқиб, таъмирталаб бўлиб турса-да, ҳеч ким бекор қолмаган, чунки ҳар бир участкада заҳира иш қуроллари мавжуд. Синган, бузилган иш қуроллари дарҳол яроқлилари билан алмаштирилиб, иш давомийлиги таъминланади. Шундай экан, битта перфераторнинг бегона шахслар кўлига ўтиб қолиши натижа-сида уч сменада ишнинг тўхтаб қолиши ва режа-топшириқларнинг барбод бўлганлиги менга нисбатан ўйлаб топилган уйдурмадан бошқа нарса эмас. Энг ачинарлиси, мен ҳуқуқимни тиклашда ёрдам сураб мурожаат қилган барча идораларда махсус кўриқланадиган шахтага бегона шахслар у ёқда турсин, ҳаттоки, чивин ҳам учиб кира олмаслигини билиб туриб, бу ҳақиқатдан кўз юмишмоқда...

Куч-қувватга тўлган, тоғни урса талқон қиладиган йигитнинг ноҳақлик, адолатсизлик ортидан чекаётган истижобларини тасвирлашга, рости, оғирман. Тўғри, Анвар Бердихолов юқорида баён этилган ҳақсизлик туфайли ишсиз қолгани йўқ: “Майн контрактшн альянс” чек компаниясига ёлланиб, лаҳмчилик қилмоқда. Шуниси қизиқки, бу компания “Зармитан” кони буюртмаларини бажариб, энг мураккаб, энг қийин шахталар қурилишини амалга оширади. Жорий йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб чуқурлиги 1000 метрлик шахтани фойдаланишга топширди. Бу мураккаб ишни чет элликлар эмас, уларга ёлланган ўзимизнинг маҳаллий мутахассислар – Анвар ва унинг дўстлари бажаришмоқда.

– Ўз юртинг, айниқса, ўз уйида ажабийларга ёлланиб ишлаш галати туюлар экан, – дейди у мен билан хайрлашар экан, – Бу ерда яхшигина маош оламан. Айтмоқчи бўлганим, қорнимга эмас, қадримга йиғлаб юрибман, мухбир ака...

Қаҳрамонимиз ўзи айтганидек, қарийб беш йилдан буён йўқотган қадрини излапти, аммо тополмапти. Балки беш йиллик югур-югурлар, қанча-қанча ариза ва шикоятлар, сайёр қабуллар ёрдам бермаган қаҳрамонимизга бизнинг мухтасаргина мақоламиз кўмак бўлар...

“ADOLAT” шарҳи

Интеллектуал мулк бу шахснинг ақлий, ижодий ва илмий фаолияти натижаси бўлиб, ушбу мулк эгаси ундан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўлади. Бироқ эсамиятда шаклланган қарашлар ушбу турдаги мулк эгаларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли амалга оширишга имкон бермайди. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқлари, турдош ҳуқуқлар ёки санъат мулки объектлари бўлиши, ўзга шахслар томонидан ушбу интеллектуал мулк объектларидан ҳуқуқ эгаларининг руҳсатсиз фойдаланиш ҳолатлари кўп учраб туради.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи:

ҲИМОЯ АСОСЛАРИ

Янгиланган Конституция нормалари интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайди

Абдулла РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактабининг иқтисод йўналиши бўйича тингловчиси

Гарчи интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасида қонунчилик мавжуд бўлса-да, ҳуқуқ эгаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи кучли механизмни яратиш имконияти мавжуд эмас.

Бу, биринчи навбатда, аҳоли томонидан интеллектуал мулкка ҳурмат билан ёндашмаслик, иккинчидан, мамлакатимиз аҳолисининг интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқий маданияти шаклланиб улгурмаганлиги ва энг асосийси, интеллектуал мулкни моддий мулкдан кўра паст аҳамиятга эга мулк сифатида баҳолалиши ушбу тизимнинг ҳалягача тўлақонли самарали фаолият олиб боришига имкон бермай келмоқда.

Бирок шунинг унутмаслик керакки, интеллектуал мулк ҳам бу мулкнинг бир тури ҳисобланиб, моддий мулк қонунчиликка мувофиқ қандай ҳимоя қилинса, интеллектуал мулк ҳам номоддий мулк сифатида худди шундай ҳажмдаги ҳимоя воситалари билан муҳофаза қилиниши лозим.

Айнан ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги ҳамда қонунчиликда интеллектуал мулкнинг самарали ҳимоя қилиш тизимининг мавжуд эмаслиги ушбу мулкка бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши ҳолатлари тез-тез учраб туриши ва ҳатто айрим давлат органлари ҳамда суд тизими ходимларининг ушбу соҳа бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги эса соҳадаги низоларнинг адолатли ечим топиши, интеллектуал мулк объектлари ҳам моддий мулк каби ҳуқуқий ҳимоя воситалардан фойдаланган ҳолда муҳофаза қилинишини чекламоқда.

Ҳўш, интеллектуал мулкни самарали ҳимоя қилиш механизмининг яратилиши жамиятга, давлатга қандай фойда беради? Айнан ушбу мулк қонун билан ҳимоя қилиниши ҳақидаги норманинг конституцияда белгиланиш зарурати нимадан иборат?

Интеллектуал мулкнинг кучли ҳимояси, энг аввало, жамиятда инновация ва технологияни ривожлантиришга, янги ғояларни санъатда қўллаш орқали яхшироқ техник ечимларга эга бўлишга, жамият аъзоларининг турли ижод намуналаридан баҳраманд бўлишига имкон яратади. Шунингдек, самарали ҳимоя тизимининг мавжуд бўлиши аҳоли орасида ихтирочилик, ижод билан шуғулланишни рағбатлантиради ва ўз ақлий ҳамда ижодий фаолият натижасидан фойда олиш уларни янада янги ва яхшироқ санъат мулки объектлари ва санъат асарлари яратишига имкон беради. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланган жамият эса ўз тараққиётининг чўққисига тезроқ етади.

Агарда бугунги кундаги тенденцияга эътибор берадиган бўлсак, ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи компанияларнинг номоддий активлари салмоғи моддий объектлардан кўра қийматлироқ ва бизнес учун аҳамиятлироқ. Шу боис ҳам кўплаб йуриқ компаниялар ўз фаолиятларини айнан интеллектуал мулк ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш механизми мавжуд бўлган давлатларда амалга оширишни ва ўз ҳуқуқларининг қонун билан ҳимоя қилинишини хоҳлайдилар.

Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг аҳамияти, мамлакатимизда қонунчиликни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ўзгаришлар айнан интеллектуал мулк ҳуқуқи қонун ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги норманинг Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида ўз аксини топишига сабаб бўлди.

Конституциянинг 53-моддасида ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланганлиги ва интеллектуал мулкнинг қонун билан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилди.


Ушбу норма мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳимоясининг фундаментал асоси ҳисобланиб, ҳар бир шахс ўз ақлий ёки ижодий фаолияти бўлиши интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш, ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва ўз ақлий фаолият натижасини тижориллаштириш орқали фойда кўриши ҳуқуқи қонун билан кафолатланганлигини ҳис қилиб туради.

Шунингдек, интеллектуал мулкнинг қонун билан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги норманинг Конституцияга киритилиши халқаро ҳамжамят учун ҳам позитив сигнал бўлиб, бу орқали мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳимояси тизими такомиллаштирилаётганлиги, интеллектуал мулк ҳуқуқи эгаларининг мутлақ ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатловчи самарали механизм яратилаётганлиги, ҳуқуқбузарлар учун қонунчиликда тегишли жавобгарлик нормаларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг амалиётда қўлланилаётганлиги, яъни ҳуқуқбузар шахс тегишли тартибда жаримага тортилаётганлиги ва ҳуқуқ эгасига етказилган зарар қоплатиши таъминланаётганлиги хорижий компанияларнинг мамлакатимизга кириб келиши, уларнинг ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйиши, техник ва технологик изланишлар олиб бориши ҳамда инновацион ғояларни санъатда жорий қилишига имкон бермоқда.

Гарчи Бош қомусимизда интеллектуал мулкнинг қонун билан муҳофаза қилиниши белгиланган бўлса-да, бу орқали интеллектуал мулкка оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўлақонли бартараф этилди, деб ҳулоса қилиш имконсиз. Конституцияда интеллектуал мулкнинг қонун билан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги норманинг киритилиши ушбу турдаги мулкнинг аҳамияти, давлат ва жамият ривожига тутган ўрни ва қонунчиликда белгиланган нормаларни амалиётда тўғри қўллаш заруриятини кўрсатиб турибди.

Интеллектуал мулкнинг қонун билан ҳимоясини таъминлаш эса, биринчи навбатда, аҳолининг ушбу мулкка бўлган қарашларини ўзгартириш, моддий ва номоддий мулк бирдек ҳимоя қилиниши ҳамда унга бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши жавобгарлигини келтириб чиқариши ҳақидаги ҳуқуқий маданиятни ошириш орқали амалга оширилади.

Янги нашр



ВАҚТДАН ЎЗГАН "ТУРКИСТОН" чилар...

Амрулло КАРИМОВ, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани, филология фанлари доктори

Матбуот нашрининг обрўси, адади, нуфузи, мавзулар хилма-хиллиги хусусида гап кетганда, энг аввало, ўша нашрнинг бош муҳаррири ким эди? — деган савол кўйилади. Миллий матбуотимиз тарихида миллион нусхада чоп этилган нашрлар бор-йўғи тўртта эди, улар "Совет Ўзбекистони", "Ленин учкунни", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" бўлса, яна бири бугунги "Ёшлар овози". Газетани миллион нусхага олиб чиқиш, тинимсиз меҳнат ва ижодий изланишни талаб қилади. "Вақтдан ўзган одамлар" китобида берилган қайдлар, дил сўзлари ва хотиралар билан танишар эканмиз, ҳар бир материал ортда сени кўлаб-қувватлайдиган, ижодий эркинлик берадиган жоман учун бундан ортиқ фахр ва гурур бўлмаसा керак. Бош муҳаррир қўроқ, иккиозламачи, лаганбардор бўлса, нафақат ҳар қандай газета, балки ҳар қандай оммавий ахборот воситаси ҳам маънавий ҳалокатга юз тутаяди. Қўруқ мақтов, баён ва ҳисоботлардан нарига ўтмайди. Қайсидир бош муҳаррирнинг даврида газета тиражи тушиб кетса, билинки, бу иккита омил билан боғлиқ. Ё бош муҳаррир бозор талабини тушунмайди ё тахририятда ижодий эркинлик бўлган.

Тўлқин Хайит томонидан нашрга тайёрланган "Вақтдан ўзган одамлар" деб номланувчи "Туркистон-90" жамоаси ҳақидаги қайдлар, дил сўзлари ва хотиралар жамланган мазкур китоб шундай жумлалар билан бошланади: "Жонажон тарихимизнинг жамоатчиликка маълум бўлмаган жиҳатлари жуда кўп, жумладан, тўртинчи ҳокимият деб аталган матбуот соҳасида меҳнат қилган ижодий жамоалар, фидойи журналистларнинг ўтган XX асрнинг 90-йилларида мустақиллик оstonасида халқимиз бахт-саодати, ўзлгимизни англаш йўлидаги сазй-ҳаракатлари, жонбозликлари ҳақида ҳали оммага етарлича маълумот берилган эмас. Чунончи, бугун "Ёшлар овози" номи билан нашр этилаётган газета ўша пайтларда "Туркистон" номини олишга интилиб, унга эришган эди. Агар совет даврида "Ёш ленинчи" номи остида фаолият юритиб, 90-йилларга келганда, фақат "шанкаси" қолиб, ўзи чин маънода миллий газетага айланган мазкур нашрнинг ўша йиллардаги сарғайган саҳифаларига кўз югуртирсангиз, юқоридаги сўзларимизнинг нақадар тўғри эканлигига гувоҳ бўласиз".

ган ижодкорларнинг кечинмалари берилган. Норқобил Жалилнинг собиқ афғончи, талаба йигит ҳақидаги "Бунчалар аччиқсан, ҳаёт!" деб номланган бир саҳифалик мақоласи ортидан имзосиз хат келгани, текширувлар бўлгани, аммо ҳақ қарор топгани тилга олинади. Ёки бир танқидий мақола тўғрисида бир одам қамалиб кетади, шу боис мақола муаллифи Гулчихебра Алибоевнинг жонига суиқасд қилмоқчи бўлгани ҳақидаги хотиралар ҳам ўрин олган. Аввало, бу ўринда журналист қасорати ва албатта, ана шундай танқидий мақолани бера олган бош муҳаррир жасурлигига қойил қолмай илож йўқ. Ёки 20 йилдан бери афғонга кетган боласини кутиб ҳар кунини дарвозахонада ўтказадиган аёл ҳақидаги "Дарвозахонадаги аёл" мақоласи ва ўша аёلнинг суратини "Йилнинг энг таъсирли сурати" бўлгани эсланади.

Газетанинг ўша пайтдаги мавзулар хилма-хиллиги хусусида гапирганда таниқли журналист Қўлман Очил "Марказ томонидан қатъий тақиқланган Наврўз байрамини тарғиб қилиш, давлат тили учун кураш, Сталин замонида қаттагон қилнган жадиidlарнинг муборак номларини оқлаш, "Ўзбеклар иши" бўйича қама-қамалар, пахта яккахокимлиги ва дефоляциянинг аянчи оқибатлари, болалар меҳнати, Орол денгизининг куриши..." каби ўша давр учун жасорат талаб қиладиган мавзулар кўтарилганини қайд этади. Сафар Остонов, Норқобил Жалил, Аъзам Уктам, Курбон Эшмат, Тўлқин Хайит, Рўзимбой Ҳасан, Исрол Ҳамро, Гулчихебра Алибоева, Меҳрибон Қурбоннизова син-

Сафдошимиз

Яхшиларнинг тақдири бир-бирига ўхшаш бўлади. Шифокорлик касбини танлаб, Андисхон тиббиёт олийгоҳида таълим олган Динорахон Қосимова ҳам ота-онанинг дуосини олган, устозлар изидан борган камтар, олийжаноб, қўли енгил шифокор аёллардан бири. Унинг болалар дардига малҳам, қувончига шерик бўлиб Чортоқ туман тиббиёт бирлашмасида иш бошлаганига ўттиз олти йил бўлди. Йигирма йилдирки, болалар шифохонаси бўлиб бошлагани. Бўлимда беш нафар врач, эллик олти нафар ўрта ва ўттиз икки нафар кичик тиббиёт ходими ҳамфиқр, ҳамнафас бўлиб ишлайди.



Олий мақсад йўлида

Муҳиддин ИМОМАДИЕВ, Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

— Устозларим Раҳимжон ака Холматов ва Муқаддам опа Маматкулова-нини берган ўғитлари доим ёдимда. Улар талабчан, самимий ва меҳрибон эдилар. Ана шу хислатларини маҳкам тутганман. Улар ҳар қанча чарчасанг ҳам, юзта бемор кўраган бўлсанг ҳам ҳеч қачон чарчаганинени билдирма ва худди биринчи беморни кўраётгандек меҳр кўрагас ва ишинга масъулият билан ёндаш, деб насихат қилишарди, — дейди Динорахон.

Қаҳрамонимиз чортоқлик зиёлилар оиласида туғилган. Отаси Сидиққожон Муллабоев ўқитувчи, онаси Насибхон опа уй бекаси бўлишган. Оилада туғилиб, воғга етган тўрт ўғил, тўрт қизни тарбиялаб, олий маълумотли, меҳнаткаш инсон бўлиб етиштишларига эришишган. Динорахоннинг турмуш ўртоғи Обиджон ҳам зиёли бўлиб, кўп йиллар иқтисодчи вазифасида ишлаган. Ишлаш билан биргаликда Динорахон уч нафар фарзандини оқ ювиб, оқ таради, тарбиялади ва ўқитди, барчасининг олий маълумотли бўлишига эришди.

— Бўлимимиз капитал таъмирдан чиқарилган, замон андозасидаги тиббий жиҳозлар билан тўла таъминланган, туғилгандан 28 кунликка етгунга қадар чақалоқлар алоҳида қаровда бўлади. Бунинг учун махсус тиббий хизмат кўрсатиш ташиқил этилган. Текширув ва таҳлиллар билан боғлиқ жараёнлар ўзимизда бажарилади, — дейди суҳбат чоғида Динорахон Қосимова. — Устозлардан мерос қолган олтин қойда — тартиб-интизомга қатъий амал қиламиз. Шогирдларимиз ҳам бизнинг йўлимиздан борлимоқда. Раҳбар ҳам талабчан, ҳам меҳрибон бўлиши керак. Ҳаётда мен учун қадри банд нарса оилам ва касбим. Ёш бўлиб қолсам, мендан «Қайси касбни танлайсан?», деб сўраб қолишса, албатта, шифокорликни, анкротги, болалар шифокори бўлишни, деб айтган бўлардим. Чунки болалар бизнинг эртанги кунимиз, келажакимиз, ватан тақдири улар қўлида. Биз болаларимизни соғлом, билимли, касб-хунарли қилиб тарбияласак, олий мақсадимизга эришган бўламиз.

Ҳа, болалар шифокори сифатида Динорахон Қосимова соғлом авлод учун чинакам она бўлиш вазифасини зиммасига олганлардан.

Ҳалол меҳнат қилиш, оналик бурчини бажариш, халқ меҳрини қозонишдек инсоний фазилат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бир сўз билан айтганда, Динорахон Қосимова фидойи инсон. Шунинг учун ҳам у эл ардоғида. Яқиндагина, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ходимлари куни байрами нишонланаётган бир паллада Президент фармонида кўра бир гуруҳ тиббиётчилар қатори «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси, Чортоқ туман тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими мудири Динорахон Қосимова ҳам иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Шодиёна кунда телемуҳбир саволига жавоб бера туриб, Динорахон шундай фикрни айтди:

— Президентимиз менинг камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб, орден билан тақдирлашлари кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Болалар саломатлигини сақлаш йўлида бор кучимни бериб ишлашга тайёрман! Партияимизнинг кўп минг сонли аъзолари ва фаоллари номидан Динорахон Қосимовани юксак мукофот билан қўтлаймиз ҳамда соғлиқни сақлаш йўлидаги келгуси ишларида янада улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

“Ҳуқуқ” газетасининг 2013 йил 27 июндаги сониди ёзилишича, Япония аҳолисининг 76,2 фоизи кундалик газеталарни доимий равишда ўқиб боради. Норвегияда ҳар 1000 кишидан 588 таси, АҚШда 215 та, Россияда 105 таси газетхон ҳисобланади. “Мохият” газетасининг 2005 йил 15 апрелдаги маълумотига кўра, Ўзбекистонда ҳар 1000 кишидан 12 таси газетхон бўлган экан. БУГУН-ЧИ?

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ҳамда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши бош ҳисобчиси Казбек Қурбанова отаси Аметбек ота ҚУРБАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Китоб ҳақида қизиқарли фактлар

- Барча замон ва халқларнинг энг машҳур ёзувчиси Агата Кристидир. Унинг детектив ҳикоялари 50 дан ортиқ тилда ҳамон чоп этилмоқда. Кристининг нашр этилган китоблари нусхаси 2 миллиарддан ошади.
- Google дунёда чоп этилган барча бадиий, публицистик, илмий асарлар номлари сонини ҳисоблаб чиққан. Уларнинг сони 130 миллиондан ошади.
- Дунёдаги китоб қаҳрамонларидан энг машҳури — Наполеондир. У ҳақда 10 000 дан ортиқ турли жанрдаги китоблар ёзилган.
- Бальзак ярим соатда 200 бет китоб ўқиган.
- Маълумки, қадимда китоб жуда қиммат бўлган. XVIII-асргача баъзи кутубхоналарда китоблар ўғирланмаслиги учун занжирга боғлаб қўйилган.
- Дунёдаги энг катта гонорар Рим императори Марк Аврелий томонидан шоир Оппианга тўланган. Унинг балиқ тутиш ва ов ҳақидаги достонининг ҳар бир сатри учун 1 олтин танга ҳада қилинган. Унинг икки достони 20 000 байтдан иборат.
- Бастилия маҳбуслари фақат одамлардан иборат бўлмаган. Бир марта Дидро ва Д'Аламбернинг "Француз энциклопедияси"ни дин ва жамият ахлоқига зарар келтиргани учун "қамаб қўйганлар".
- Дунёдаги энг қиммат бадиий асар Леонардо да Винчи томонидан кўчирилган "Лейчестер кодекси" китобидир. Уни "Майкрософт" асосчиси Билл Гейтс 1994 йили Нью-Йоркдаги "Сотбис" аукционидан 30,8 миллион долларга сотиб олган.



- Дунёдаги энг катта китоб ҳолида чоп этилган мажмуа Ирландия университети томонидан 1968-1972 йилларда чиқарилган 1112 жилдди "Британия парламенти ҳужжатлари"дир. Тўлиқ мажмуа 3,3 тоннани ташкил этади. Уни тўлиқ ўқиб чиқиш учун 6 йил кетади.
- Дунёдаги энг қадимий қўлёзма китоб Присс папирусидир. У эраимиздан аввалги 3350 йили ёзилган. Ушбу қўлёзма уни 1839 йили Фивадан топган Эмиль Присс шарафига шундай номланган. Қўлёзма муаллифи — фиръавннинг вазири Пта-Готеп. У ўз асариди ёшларнинг тарбиясиёзлиги, дангаса ва ахлоқсизлигидан нолиган.

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI. QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ. Тахрир хайъати: Бахром АБДУҲАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Муҳаммад А.ЛИ, Гавхар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖҲҲРАЕВ.

info@adolatgzt.uz, www.adolat.uz, adolatgzt-95@mail.ru, t.me/Gazeta_Adolat, adolat24.uz. Массул котиб — Абдуғани Содиков, Навбатчи муҳаррир — Камол Матқубов.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 1 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1200. Адади — 6015. Босишга тошпирилши вақти — 21.00. Босишга тошпирилди — 21.00. Баҳоси келишилган нархда. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.